

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ ЗОКИРЖОН**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ ОДДИЙ ФОСФОРЛИ ВА МУРАККАБ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Тураев Зокиржон**

Марказий Қизилкум фосфоритлари асосида микроэлементли оддий  
фосфорли ва мураккаб ўғитлар олиш технологиясини яратиш ..... 3

**Тураев Зокиржон**

Разработка технологии одинарных фосфорных и сложных  
удобрений с микроэлементами на основе фосфоритов  
Центральных Кызылкумов ..... 29

**Turayev Zokirjon**

Development of technology for single phosphorus and complex  
fertilizers with microelements based on phosphorites of the Central  
Kyzylkum ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ ЗОКИРЖОН**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ ОДДИЙ ФОСФОРЛИ ВА МУРАККАБ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/T336 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Шамшидинов Исраилжон Тургунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Намазов Шафоат Саттарович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
академик

**Реймов Аҳмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Нурмуродов Тулкин Исамуродович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «6» сентябрь 2021 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2021 йил «22 июнь» куни тарқатилди.  
(2021 йил «22» июнь даги 4 — рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д. профессор

**С.А. Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда деҳқончиликка яроқли ерларнинг камаяётгани ва сайёра аҳолисининг тобора кўпаяётгани туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти биринчи даражали вазифа бўлиб бормоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги амалиётига жадал технологияларни татбиқ этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш ҳосилдорликни оширишнинг бош йўналиши ҳисобланади. Агросаноат ишлаб чиқаришини самарали минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари, микроэлементлар билан таъминлаш ҳам шулар қаторига кирилади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини янада оширишни нафақат азот, фосфор ва калий меъёрини ошириш орқали, балки бир қатор микроэлементли ўғитларни қўллаш катта аҳамиятга эга.

Дунёда микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқаришни тобора ошириш ва қўлланилаётган микроэлементлар турлари ассортиментини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини микроэлементли ўғитлар билан таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада микроэлементли оддий фосфорли ва мураккаб ўғитлар олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш; микроэлемент тузлари, ишлатилган катализаторлар, рангли металлургиянинг оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндиларини ўғитлар ишлаб чиқариш шароитида кузатилган ҳолатларини ҳамда уларни тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Марказий Қизилқум фосфоритларидан оддий ва мураккаб фосфорли ўғитлар олиш соҳасида бир қатор инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда яхши илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида “юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва йирик саноат чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш”га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан ишлаб чиқаришда ишлатилган саноат катализаторларини, рангли металлургия оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндиларини қамраб олган ҳолда микроэлементли оддий ва мураккаб ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4256-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Фосфорли хом ашёлардан турли хил фосфорли ва мураккаб ўғитларни олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), Engineering Dobersek GmbH (Германия), Fertilizer Research Center (Польша), University of Science and Technology (Хитой), The Chemical Society of Japan (Япония), Department of Mining & Metallurgical Engineering (Эрон), Department of Chemistry (Ҳиндистон), Department of Chemical Engineering (Иордания), «ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ (Россия), Санкт-Петербург давлат технология университети (Россия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон), Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон), Наманган муҳандислик-қурилиш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Микроэлементли минерал ўғитлар олишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минерал ўғитлар таркибидаги микроэлементлар миқдорининг меъёрини аниқлаш, микроэлемент тузлари эритмасини доначаларга чанглатиш, уларни суюқ комплекс ўғитларда эритиш орқали амалга ошириш технологияси ишлаб чиқилган (Florida Industrial and Phosphate Research Institute, АҚШ); рухли ўғитлар, асосан, донадорлаш босқичида рухли суспензия ёки эритма билан киритиш орқали олиш технологияси яратилган (University of Science and Technology, Хитой); мис, рух, марганец, борат кислотасининг тоза тузлари ўрнига таркибида микроэлементлар бўлган турли хил шлаклардан фойдаланиш технологияси яратилган («ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ, Россия); Германияда таркибига металл кукуни ҳолатидаги мис, латунь ёки бодроксимон мис (98% Cu) киритилган мураккаб НРК-

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fipr.state.fl.us>; <https://www.dobersek.com/ru>; <http://www.ins.pulawy.pl>; <http://en.ustc.edu.cn>; <http://www.chemistry.or.jp/en>; <http://dmpe.aut.ac.ir>; <http://www.chemistry.iitkgp.ac.in>; <http://www.just.edu.jo>; <http://www.niuif.ru>; <https://spb.ucheba.ru>; <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ўғитлар олинган (Engineering Dobersek GmbH, Германия).

Дунёда эрийдиган хелатлар кўринишидаги турли хил микроэлементлар аралашмасини олиш бўйича бир қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан NPK-ўғитларни хелат тарзидаги микроэлементлар комплекси билан бойитиш усулларини яратиш; ўсимликларни илдизидан ташқари озиклантириш, уруғларга экиш олдидан ишлов бериш учун, сувда эрийдиган ва секин таъсир кўрсатадиган шаклдаги зичланган таблетка тарзидаги сувда эрувчан шаклдаги турли хил микроэлементлар аралашмасини яратиш; фосфорли оддий ва мураккаб ўғитлар олишда ҳосил бўладиган микроэлементлар бирикмаларини физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли хил тузлар ва таркибида микроэлементлар бўлган саноат чиқиндиларидан микроэлементли ўғитлар олиш бўйича тадқиқотлар билан Набиев М.Н, Федюшкин Б.Ф., Тўхтаев С., Осичкина Р.Г., Маннанова Р.А., Адилова М.Р., Усманов И.И., Таджиев С.М., Шамшидинов И.Т., Гумбатов М.О. ва бошқалар шуғулланишган.

Каталымов М. В., Пейве Я.В., Анспок П. И., Bortels H., Viets E. G, Потатуева Ю.А., Шегров Л.Н. лар томонидан ўтказилган тақиқотлар, асосан микроэлементларнинг турли хил бирикмаларини олиш, уларнинг тавсифларини ўрганиш, асосий кўллаш учун тупроққа микроэлементлар киритиш меъёрларини белгилаш, экишдан олдин уруғларга ишлов бериш, ўсимликларни илдиздан ташқари озиклантириш, улардан турли хил экинлар ва тупроқ турларидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, микроэлементларнинг хомашё базаси ва улар классификациясини кенгайтиришга йўналтирилгандир.

Микроэлемент тузлари эритмаларини донадор заррачаларга пуркаш орқали микроэлементлардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган усуллар агрокимёвий нуқтаи назардан самарали бўлмайди, бунда микроэлементлар тупроқда бир текисда тақсимланмайди, улар сувда эрийдиган шаклда бўлиб, суғориш суви билан ювилиши натижасида сув ҳавзаларини ифлослантиради. Бу борада минерал ўғитларнинг компонентларини қамраб олган мураккаб тизимларда турли хил микроэлементлар ҳолатини, уларнинг комплекс ўғитлар таркибида ўзлашувчанлигини ўрганиш, микроэлементли янги турдаги ўғитлар олиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенгайтириш зарур бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-12-15 «Кўшалок суперфосфат туридаги ўғитлар олишда паст навлардаги маҳаллий фосфоритлар ва микроэлементли саноат чиқиндиларидан фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Қизилкум фосфоритлари асосида микроэлементли оддий фосфорли ва мураккаб ўғитлар олиш технологиясини яратишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

сульфат кислота эритмалари, термик ва экстракцион фосфат кислоталар, нитрат-фосфатли эритмалар билан рангли металлургиянинг иккиламчи хомашёларидан (мисли чанг, рух буғланмалари) ҳамда ишлатилган (НТК-4, ГИАП-10 ва рух ацетат) катализаторлардан мис ва рухни ажратиб олишга турли хил омилларнинг (Қ:С нисбати, жараён давомийлиги, ҳарорат, концентрация) таъсирини ўрганиш;

ҳисоблашнинг қиёсий термодинамик усуллари ёрдамида мис, рух, кобальт, никель ва марганец фосфатларининг стандарт энтальпияси, энтропияси ва иссиқлик сиғими қийматларини аниқлаш ва микроэлементларнинг сульфатли тузлари ва фосфорли ўғитлар компонентлари орасида содир бўладиган реакцияларнинг бориш шарт-шароитларини тадқиқ қилиш;

аммофос ва нитроаммофос олиш шароитида аммонийланган фосфат кислотали ва нитрат-фосфатли эритмалар рН қийматининг микроэлементлар ҳолатига таъсирини тадқиқ қилиш;

микроэлементларнинг сульфатли тузларининг нитроаммофос таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирини ўрганиш;

фосфат кислота ва монокальцийфосфат эритмаларида микроэлементлар сульфатларининг эрувчанлиги ва ўзаро таъсирини ўрганиш;

фосфорли оддий ва мураккаб ўғитлар олишда ҳосил бўладиган микроэлементлар бирикмаларини физик-кимёвий тадқиқ қилиш;

фосфатли Марказий Қизилқум фосфатли хомашёсини фосфат кислотали парчалаш жараёнига микроэлементлар сульфатли тузларининг таъсирини тадқиқ қилиш;

аммонийланган кўшалок суперфосфат олиш шароитида микроэлементларнинг ҳолатларини ўрганиш;

микроэлементли азот-фосфорли мураккаб ўғитлар ва кўшалок суперфосфат олишнинг технологик схемаларини ишлаб чиқиш;

тажриба-саноат ва саноат ишлаб чиқариши шароитида азот-фосфорли мураккаб ўғитлар олишнинг яратилган технологияларини синовдан ўтказиш;

таркибида микроэлементлар бўлган фосфорли оддий ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий ва агрокимёвий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Марказий Қизилқум фосфоритлари, термик фосфат кислотаси, экстракцион фосфат ва сульфат кислоталар, нитрат-фосфатли эритмалар, газсимон аммиак, микроэлементларнинг бирикмалари, ишлатилган саноат катализаторлари, рангли металлургия оралик маҳсулотлари.

**Тадқиқотнинг предмети**ни микроэлементли концентранган оддий ва мураккаб азот-фосфорли ўғитлар технологияси, ишлатилган саноат катализаторларидан, рангли металлургия саноати оралик маҳсулотлари ва чиқиндиларидан микроэлементларни ажратиб олиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, физик-кимёвий (рентгенофаза таҳлили, ИҚ спектроскопия, термогравиметрия,



нурланишнинг электрон спектрлари) ҳамда тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сульфат кислота эритмалари, термик ва экстракцион фосфат кислоталари ҳамда нитрофосфат эритмалари билан ишлатилган саноат катализаторлари (НТК-4, ГИАП-10, рух ацетатли), рангли металлургия оралиқ маҳсулотлари (мисли чанг, рух буғланмаси) ва чиқиндиларидан микроэлементларни ажратиш олиш жараёнларининг энг мақбул шароитлари аниқланган;

илк бор турли усуллар билан мис, рух, кобальт, никель ва марганец фосфатларининг термодинамик тавсифлари ҳисоблаб чиқилган ва улар сульфатли тузларининг аммофос ҳамда қўшалок суперфосфат таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирлашишдан микроэлементлар дигидро- ва гидрофосфатларининг ҳосил бўлиши мумкинлиги аниқланган;

фосфат кислотали ва нитрофосфат эритмаларидаги микроэлементлар ҳолатларига аммонийлаш даражаси (рН) нинг таъсири аниқланган, рН муҳитига боғлиқ ҳолда микроэлементларнинг  $\text{Me}(\text{HPO}_4)_2$ ,  $\text{MeHPO}_4$  ва  $[\text{Me}(\text{NH}_3)(\text{H}_2\text{O})]\text{HPO}_4$  тарзида мавжуд бўлиши исботланган;

микроэлементларнинг сульфатли тузлари нитроаммофос таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирлашиши натижасида  $\text{MeSO}_4 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Zn}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{CuNH}_4\text{PO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{ZnNH}_4\text{PO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  бирикмаларини ҳосил қилиши асосланган;

илк бор таркибида микроэлементлар бўлган фосфат кислотасини, нитрат ва фосфат кислоталари аралашмасини аммонийлаш жараёнида ҳосил бўладиган  $\text{Me}(\text{NH}_3)\text{HPO}_4$  ва  $[\text{Me}(\text{NH}_3)(\text{H}_2\text{O})]\text{HPO}_4$  умумий формулани микроэлементли бирикмалар амингидрофосфатлар ва моноакваамингидрофосфатлар қоришмасининг тузилиши аниқланган, уларнинг ҳосил бўлиши инфрақизил ва диффузион нурланишнинг электрон спектрлари асосида исботланган;

илк бор мис сульфатнинг фосфат кислотали эритмаларидан янги  $\text{CuSO}_4 \cdot \text{CuHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  бирикмаси ажратиш олиш ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида унинг мавжудлиги аниқланган;

илк бор  $\text{Zn}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$  системасини ўрганилганда  $\text{Zn}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$  таркибли янги бирикма ҳосил бўлади, у ажратиш олиш ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан аниқланган;

сувли эритмаларда микроэлементлар сульфатли тузларининг монокальцийфосфат билан ўзаро таъсири монокальцийфосфатнинг гидролизланиши ва кальций сульфатнинг дигидрати ҳамда микроэлементли гидрофосфатларнинг ҳосил бўлиши билан бирга кечиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

азот-фосфорли ўғитлар – микроэлементли аммофос, нитроаммофос ва аммонийлашган қўшалок суперфосфат олишнинг технологик схемалари ишлаб чиқилган;

МҚ фосфоритлари асосида таркибида мис бўлган аммонийланган қўшалок суперфосфат олиш технологияси яратилган;

микроэлементлар ва аммоний нитрат билан фаоллаштирилган 35%  $P_2O_5$  гача буғлатилган ЭФКда МК фосфоритларини парчалаш йўли билан микроэлементли азот-фосфорли ўғитларнинг олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқилган технологияларни саноат ишлаб чиқариши шароитидаги қурилмаларда синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган маҳсулотлар – ишлатилган саноат катализаторлари рангли металлургия оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндиларидан фойдаланиб таркибида мис, рух, кобальт, никель ва марганец микроэлементлари бўлган фосфорли оддий ва азот-фосфорли мураккаб ўғитлар олиш учун илмий асос яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлатилган саноат катализаторлари, рангли металлургия оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндиларидан микроэлементларни ажратиб олиш технологиясини ҳамда таркибида микроэлементлар бўлган фосфорли оддий ва азот-фосфорли мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқилганлиги, ишлаб чиқарилган технологияларни ўғитларнинг тажриба намуналарини яратиш орқали саноат ишлаб чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида микроэлементли оддий фосфорли ва мураккаб ўғитлар олиш технологиясини яратиш аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мураккаб азот-фосфорли ўғит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05912, 2019 й.). Натижада, ЭФК ва аммоний нитрат билан фаолланган ЭФКни карбонатли хомашёлар билан нейтраллаш, суспензияни буғлатиш, донадорлаш ва қуриштириш орқали концентрацияланган кальций ва магнийфосфатли ўғитлар олиш имконини берган;

ишлатилган саноат катализаторларидан, рангли металлургия саноат ишлаб чиқаришининг оралиқ маҳсулотларидан ва чиқиндиларидан микроэлементларни ажратиб олиш ва таркибида микроэлементлар бўлган азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологияси “Qo‘qon superfosfat zavodi” АЖнинг «2021-2030 йиллар амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзкимёсаноат АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги 14-6031-сон маълумотномаси). Натижада, пахта ўсимлигини ҳосилдорлигини 2-3 центнерга ошириш имконини беради;

минерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясига оид маълумотлар ва хулосалар бакалавр ва магистрлари учун “Мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш назарияси ва технологик ҳисоблар” фанидан ўқув қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Нашр рухсатномаси, 13.03.2013 й.; № 82-089). Натижада, мазкур ўқув қўлланмаси микроэлементли минерал ўғитлар олиш

технологияси соҳасида талабалар билимларини бойитишга ва мустаҳкамлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография чоп этирилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзу бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таркибида микроэлемент бўлган фосфорли оддий ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон ҳолати”** деб номланган биринчи бобида микроэлементларнинг ўсимликлар ҳаётидаги ўрни, тупроқ таркибида мавжудлиги, оддий фосфорли ва мураккаб азот-фосфорли ўғитлар таркибидаги ҳолати, микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси, уларни олиш усуллари баён қилинган. Адабиёт манбаларини танқидий таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

**“Рангли металлургия иккиламчи маҳсулотлари, ишлатиб бўлинган катализаторлар ва саноат чиқиндиларидан микроэлементларни ажратиб олиш жараёнини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи боб микроэлементларни кислородли алангали эритиш печи чангидан, рух буғланмаларидан, ГИАП, НТК-4 туркумидаги ишлатилган саноат катализаторларидан ва рух ацетатли катализатордан ажратиб олиш жараёнини ўрганишга бағишланган.

Микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси қишлоқ хўжалигининг уларга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Қишлоқ хўжалигининг микроўғитлар билан етарли даражада таъминланмаслигининг сабаби, асосан, талаб қилинадиган миқдор ва арзон микроэлементли хом ашёларнинг етишмаслигидан иборатдир.

Шу муносабат билан мазкур иш микроэлементлар хомашё базасини

кенгайтириш, уларнинг арзон ва ишлатилиши қулай хом ашё манбаларини излаб топиш имкониятларини ўрганишга қаратилган. Рангли металлургия, кимё ва бошқа соҳалардаги саноат чиқиндилари, шунингдек ишлатилган саноат катализаторлари шундай манбалардан ҳисобланади.

Мис, рух микроэлементларини нитрат (10, 40%), сульфат (7, 12, 15, 23, 65, 92%), термик (10, 19, 25, 32%  $P_2O_5$ ) ва экстракцион фосфат кислота эритмалари билан турли омилларга боғлиқ ҳолда ишлатилган саноат катализаторлари, рангли металлургия чиқиндилари ва оралик саноат маҳсулотларидан ажратиб олиш даражаси ўрганилди.

ТФК концентрациясининг КФПнинг электро филтрлари чангидан мис ажратиб олиш даражасига таъсирини ўрганиш натижалари кислота концентрациясининг  $P_2O_5$  бўйича 8,86% дан 43,3 гача кўтарилиши билан уни эритмадаги ажралиш даражасининг 48,9% дан 99,8% гача ўсишини кўрсатди. Бунда, Қ:С=1:10 да таркибида 18,1%  $P_2O_5$  бўлган ТФК дан фойдаланилганда, ҳарорат  $90^{\circ}C$  ва жараённинг давомийлиги 30 минут бўлганда, ажралиш даражаси 68,5% ни, бу шароитда ЭФКда 82,3% ни ташкил қилади.

$20^{\circ}C$  ҳароратда ва жараённинг давомийлиги 60 минут бўлганида Қ: С нинг 1:5 дан 1:20 гача ўсишида, ТФК да мисни ажралиш даражаси 50,4% дан 61,4%гача, ЭФК да 60,3% дан 71,4% гача гача кўтарилади. Ҳароратнинг ошиши ТФКга ажралиш даражасига деярли таъсир қилмайди ва  $50-90^{\circ}C$  ҳароратда 67,1-68,5% ни ташкил қилади.

Сульфат кислота концентрациясининг 7 дан 15% гача кўтарилиши мисни ажратиб олиш даражасини 50,7% дан 53,3% гача оширишга ёрдам беради. Концентрацияни янада ошириш ажралиш даражасининг пасайишига олиб келади. Қ:С нисбати ва жараённинг давомийлиги ажралиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Қ:С ортиши билан сульфат кислотасини (8%)  $20^{\circ}C$  ҳароратда ва жараён давомийлиги 30 минут бўлганда рух буғланмасидан рухни ажралиш даражаси Қ:С=1:5 да 72,0% дан Қ:С=1:10да 99,8% гача ошади. Қ:С=1:5да ва ҳароратнинг  $20^{\circ}C$  дан  $90^{\circ}C$  гача кўтарилишида, рухни ажралиш даражаси 99,7% гача кўтарилади. Рух буғланмасидан 18,1%  $P_2O_5$  ли ТФК га рухни ажралишда Қ:С кўпайиши Қ:С=1:5 да 21,9% дан Қ:С=1:20 да ажралиш даражасини 88,4% гача оширади.

Жараённинг дастлабки 30 ва 60 дақиқа давомийлиги сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, ажралиш даражасини мос равишда 80,3% ва 85,2% гача оширади. Ушбу шароитда ЭФКга ажралиш даражаси 96,0% ва 97,3% ни ташкил қилади.

Қ:С=1:10 да ишлатилган ГИАП-10 катализаторидан рухни ажралиш жараёни давомийлиги 15 минутда ва  $25^{\circ}C$  ҳароратда, ЭФК эритмасига 71,7%, рух ацетатидан 88,7% рух ва НТК-катализаторидан 39,3% мис ўтади. ГИАП-10 катализаторидан рухнинг асосий қисми дастлабки 15 дақиқада ажралади, бунда НТК-4 катализаторидан мис учун эса у сезиларли таъсир кўрсатади.

Қаттиқ ва суюқ фазаларнинг нисбати эритмадаги микроэлементларнинг концентрациясига сезиларли таъсир кўрсатади. ЭФК нормасининг тўрт баробар кўпайиши ГИАП-10 катализаторидан эритмадаги рух

концентрациясини 101,4 г/л дан 29,6 г/л гача ва шу ҳолатда НТК-4 катализаторидан мисни 47,9 г/л дан 15,6 г/л гача камайтиради.

ЭФК нинг НФР билан алмаштирилиши рух ацетат катализаторидан рухнинг ўтиш даражасини 6-12% га оширишга имкон беради, шу билан бирга сарфланган ГИАП-10 ва НТК-4 катализаторларидан мис ва рухни ажралишиш даражаси кескин пасаяди ва 20% дан ошмайди.

**“Микроэлементлар сульфатли тузларининг фосфорли ва комплекс ўғитлар таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирини физик-кимёвий тадқиқ қилиш”** деб номланган учинчи боб мис, рух, кобальт, никель ва марганец фосфатларининг термодинамик хусусиятларини, оддий ва мураккаб азот-фосфорли ўғитларни олиш шароитида уларнинг ҳолатларини, ўғит ишлаб чиқариш жараёнининг технологик параметрларининг микроэлементли бирикмалар таркибига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Мис, рух, кобальт, никель ва марганец фосфатларнинг термодинамик хусусиятларини баҳолашда кальций фосфатларининг ҳосил бўлиш стандарт иссиқлиги ва энтропиясининг экспериментал йўл билан топилган қийматлари асос қилиб олиниб, қиёсий ҳисоблаш усуллари қўлланилди. Мис, рух, кобальт, никель ва марганец бирикмаларининг ҳосил бўлишининг стандарт иссиқлиги М.Х. Карапетьянц ва "фарқларнинг доимийлиги" усули билан аниқланди.

Микроэлементлар фосфатларининг стандарт энтропиясини ҳисоблаш учун реакция иссиқлиги кимёвий мойиллик ўлчови ҳисобланган Бертло принципига асосланиб Н.Н. Дрозин усулини, шунингдек М.Х. Карапетьянц ва Келлининг ионли қўшимчалар (инкриментлар) тизими қўлланилди. Турли усуллар билан олинган термодинамик константалар бир-бирига мос тушади. Микроэлементлар фосфатларининг иссиқлик сиғими, моддаларнинг юқори ҳароратли иссиқлик сиғимларини уларнинг стандарт энтропиясининг қиймати бўйича ҳисоблаш имконини берадиган Н.А. Ландия усули билан аниқланди (1-жадвал).

Микроэлементлар фосфатларининг энтальпиялари, энтропиялари ва иссиқлик сиғимларини аниқлаб, мис, рух, кобальтнинг сульфатли тузларини фосфат кислотаси ва кальций дигидрофосфати билан ўзаро таъсири эҳтимоллиги бўйича термодинамик ҳисоблашларни ўтказилди.

Ҳисоблашлар натижалари шуни кўрсатдики, 25°C ҳароратда микроэлементларнинг сульфатлари фосфат кислотаси ва кальций дигидрофосфати билан мис, рух, кобальт гидрофосфатларини ҳосил қилади.

Кальций гидрофосфати билан ўзаро таъсирда микроэлементларнинг дигидрофосфатлари ҳосил бўлиши мумкин, аммо микроэлементлар гидрофосфатларининг ҳосил бўлиши  $\Delta G$ , дигидрофосфатларининг ҳосил бўлиши  $\Delta G$  дан кичиклигидан гидрофосфатларнинг шаклланиш эҳтимоли юқорироқдир.

Фосфат кислотаси ва нитрофосфат эритмаларидаги сульфат тузлари ва микроэлементлар оксидларини газсимон аммиак билан нейтраллаш даражасига қараб ҳолатини ўрганиш орқали мисли эритмани  $pH = 1,2-1,7$  гача аммонийланганда фаза таркибини ўзгармаслиги аниқланди.

## Микроэлементлар фосфатларининг ҳосил бўлиши термодинамик характеристикалари

№	Реакциялар	$\Delta H^{\circ}_{298}$ кДж/моль	$\Delta S^{\circ}_{298}$ Дж /моль·град	$\Delta G^{\circ}_{298}$ кДж/моль	$\Delta G^{\circ}_{353}$ кДж/моль
1.	$\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Cu}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 5\text{H}_2\text{O}$	18,98	26,21	11,17	9,67
2.	$\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O} + \text{H}_3\text{PO}_4 = \text{CuHPO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 5\text{H}_2\text{O}$	19,76	42,52	1,45	-0,88
3.	$\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{Cu}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{CaSO}_4 + 5\text{H}_2\text{O}$	-0,43	38,89	-12,02	-14,94
4.	$\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{CuHPO}_4 + \text{CaSO}_4 + \text{H}_3\text{PO}_4 + 5\text{H}_2\text{O}$	10,34	55,20	-6,11	-10,26
5.	$\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Zn}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	22,66	37,99	11,34	9,25
6.	$\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{H}_3\text{PO}_4 = \text{ZnHPO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	25,12	54,28	9,08	6,09
7.	$\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{Zn}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{CaSO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	3,25	50,67	-11,85	-14,64
8.	$\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{ZnHPO}_4 + \text{CaSO}_4 + \text{H}_3\text{PO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	15,84	66,96	-4,11	-7,80
9.	$\text{CoSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Co}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	23,66	40,36	11,63	9,431
10.	$\text{CoSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{H}_3\text{PO}_4 = \text{CoHPO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	5,46	56,67	8,57	5,46
11.	$\text{CoSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{Co}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{CaSO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	4,25	53,04	-11,56	-14,47
12.	$\text{CoSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O} + \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 = \text{CoHPO}_4 + \text{CaSO}_4 + \text{H}_3\text{PO}_4 + 7\text{H}_2\text{O}$	16,05	69,35	-4,62	-8,43

Нитрофосфат эритмасида (НФЭ) рН=1,2 да ва фосфат кислотасида рН =1,7-2,0 да мис моноаквагидрофосфатининг мовий рангли каттик фазасининг шаклланиши кузатилади (2-жадвал).

2 жадвал

**Микроэлементли фосфат ва нитро-фосфат эритмаларини аммонизациялашда ҳосил бўладиган бирикмаларнинг таркиби**

№	рН		Бирикмалар
	H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub>	НФР	
1.	1,7-2,0	1,2-4,1	Cu(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
2.	2,7-5,8	5,2-7,0	Cu(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub> +Cu(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
3.	6,3-7,1	7,0	Cu(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
4.	3,6-6,0	2,5-7,0	Zn(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
5.	2,24-3,51	3,51-3,62	Co(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
6.	3,90-4,12	4,79-4,99	Co(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub> + Co(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
7.	4,55-5,9	6,41-6,76	Co(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
8.	2,94-3,87	3,30-4,76	Ni(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
9.	4,36-4,46	4,89-5,99	Ni(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub> + Ni(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
10.	5,28-7,12	6,48-6,86	Ni(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)PO <sub>4</sub>
11.	3,4-3,8	3,40-4,86	Mn(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
12.	4,2-4,5	5,89-5,99	Mn(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub> + n(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>
13.	5,0-6,4	6,48-6,86	Mn(NH <sub>3</sub> )(H <sub>2</sub> O)HPO <sub>4</sub>

НФЭ учун рН 4,1-7,0 ва фосфат кислота эритмалари учун рН 2,0-5,8 оралиғида каттик фазани кимёвий таҳлил қилиш унда мис ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> билан бирга азот мавжудлигини кўрсатди, бу эса мис моноаквагидрофосфат ва мис моноакваамингидрофосфатларнинг биргаликда чўкишини кўрсатади.

Мисли фосфат кислотаси эритмасининг рН миқдорининг янада ошиши билан чўкма тўқ кўк рангга эга бўлади. Чўкманинг кимёвий таҳлили таркибий қисмларнинг қуйидаги (% ҳисобида): Cu – 32,0-32,5; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> -36,46-36,83; Н -7,16-7,41 миқдорини кўрсатади.

Моляр нисбатда бу 1: 0,5 : 1 билан ифодаланади, бу юқори даражада аммонийланганда мис моноакваамингидрофосфати шаклланишини кўрсатади. Рухли фосфат ва нитрофосфат эритмаларини газсимон аммиак билан нейтраллашда, НФЭи учун рН 2,5 ва фосфат кислота эритмалари учун рН 3,6 дан рух моноамингидрофосфат бирикмасига мос келадиган ок чўкма қайд этилади.

Кобальт, никель ва марганецли эритмаларни аммонийлашда эритмаларнинг нейтраллашиш даражаси ошиши билан, микроэлементли моноаквагидрофосфат ва моноакваамингидрофосфатлар аралашмалари ва тоза моноакваамингидрофосфатлари кетма-кет ҳосил бўлади.

Микроэлементларни аммофос ва нитроаммофос бўтқаларига киритиш имкониятини физик-кимёвий асослаш учун, мураккаб ўғитларнинг асосий таркибий қисмлари – микроэлементларнинг сульфатли тузлари ва рух

ацетатни аммонийнинг нитратли (45%), сульфатли (12%), дигидрофосфатли (35%), гидрофосфатли (10%) эритмалари ва уларнинг шундай таркибий қисмларга эга аралашмалари билан ўзаро таъсири ўрганилди.

Микроэлементлар тайёр эритма таркибига 3, 5 ва 10% миқдориди тўйинган эритмалар шаклида киритилди, аралаштирилди ва 25 ёки 80°C ҳароратда бир кун сақланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аммоний нитрат ва сульфатлар ҳамда уларнинг аралашмалари, мис, рух, кобальт, никель, марганецнинг сульфатли тузлари ва рух ацетати билан ўзаро таъсирлашиб, эритмадан кристалланадиган умумий формуласи  $\text{MeSO}_4 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  бўлган бирикмалар ҳосил қилади.

Мис ва рух сульфати  $\text{MeSO}_4 - \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4 - \text{H}_2\text{O}$  системасида аммоний дигидрофосфат билан ўзаро таъсирлашиб, иккита туз – моноаквагидрофосфат ва моноакваамингидрофосфат аралашмасини ҳосил қилади.

Микроэлементларнинг тузлари 80°Cда  $\text{MeSO}_4 - (\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4 - \text{H}_2\text{O}$  системасида аммонийгидрофосфат билан ўзаро таъсирлашиб, моноакваамингидрофосфатларни ҳосил қилади. 25°C да шундай миснинг моноакваамингидрофосфати, рух амингидрофосфати ҳам ҳосил бўлади.

25°C ҳароратда  $\text{CuSO}_4 - \text{NH}_4\text{NO}_3 - \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4 - \text{H}_2\text{O}$  системасида, кимёвий таркиби бўйича миснинг моноаквагидрофосфат ва моноакваамингидрофосфатлари аралашмасига мос кристаллар пастки фазага тушади. Бу бирикмалар системада аммоний сульфат бор бўлганда ҳам ҳосил бўлади.


Мис сульфатли системадан фарқли равишда  $\text{ZnSO}_4 - \text{NH}_4\text{NO}_3 - \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4 - \text{H}_2\text{O}$  системасида қаттиқ фазанинг таркиби рух тетрагидрат фосфат  $\text{Zn}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  га тўғри келади. Рух фосфатнинг тетрагидрати ушбу системага аммоний сульфат киритилганда ҳам ҳосил бўлади.

Мис аммофос ва нитроаммофосда мис моноаквагидрофосфат, ҳамда моноакваамингидрофосфат билан аралашган шаклда бўлади. Рухни, киритиш жойига қараб мураккаб ўғитлар таркибида моноаквагидрофосфат, амингидрофосфат ва рух тетрагидрофосфат шаклида мавжуд бўлади.

Олинган маълумотлар микроэлементларнинг фосфатли тузларини ҳосил бўлиши билан борадиган микроэлементларнинг сульфатли тузлари ва аммоний фосфатларнинг ўзаро таъсирлашуви бўйича термодинамик ҳисобларнинг натижаларини тасдиқлайди. Микроэлементларни ажратиб олинган бирикмаларининг таркиби ва ўзига ҳослиги кимёвий, термогравиметрик, рентгенфаза, ИҚ-спектроскопик таҳлил усуллари ва электрон нурланиш спектрларининг натижалари билан тасдиқланди.

Кўринадиган соҳада ИҚ-спектрлар ва электрон нурланиш спектрларини таққослаш орқали фосфат кислотаси эритмаларининг юқори даражада нейтралланишида аммиак молекуласи микроэлементли моноаквагидрофосфат таркибига илмий адабиётларда келтирилгандек металаммонийфосфат шаклида  $\text{MeNH}_4\text{PO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  эмас, балки моноакваамингидрофосфат  $[\text{Me}(\text{NH}_3)(\text{H}_2\text{O})]\text{HPO}_4$  шаклида киради.






**1-расм. Нитрат–аммоний–рух ацетати–сув тизими эрувчанлиги политермаси.**

$Zn(CH_3COO)_2 - NH_4NO_3 - H_2O$  системанинг политермик эрувчанлик диаграммасида дастлабки таркибий қисмларнинг – муз, аммоний нитрат, рух ацетати, шунингдек кимёвий таҳлил натижаларига мос келадиган янги қаттиқ фаза  $Zn(CH_3COO)_2 \cdot NH_4NO_3$  кристалланиш майдончалари чегараланган.

Янги бирикманинг кристалланиш майдони политермик диаграмманинг катта қисми эгаллайди, бундай ҳол тизимнинг бошқа таркибий қисмларга нисбатан мазкур бирикманинг паст эрувчан эканлигини кўрсатади. Микроэлементли аммофос ва

Аммиак молекуласининг моноаквагидрофосфатлар микроэлементлари таркибига киришини, моноакваамингидрофосфатларнинг ИҚ-спектрида  $3100-2900 \text{ см}^{-1}$  аммоний катиони учун характерли интенсив йўлакнинг йўқлиги, шунингдек аммиакнинг  $Cu(II)$  ва  $Zn(II)$  ларга координацияланишидаги боғ параметрларининг ҳисоби,  $N-H$  боғланиш куч константалари  $f_{NH_3}$  билан солиштирилганда мос равишда 6,31 дан 5,98 ва 5,50 н/см гача камайганлиги, атомлар орасидаги масофа 1,006 дан 1,017 ва 1,038 Å гача ортганлиги билан тасдиқланади.


Рух ацетат ва аммоний нитратнинг сувли муҳитда ўзаро таъсирла- шуви XII ички кесимлари ёрдамида  $-20,4^\circ\text{C}$  дан  $+70^\circ\text{C}$  гача ҳароратда визуал-политермик усулда ўрганилди (1-расм).



**2-расм. Микроэлементларни Сульфат кислота билан ажратиб олиш қурилма схемаси.**

нитроаммофос олиш учун ўғитлар таркибига микроэлементларни учта: фосфат хом ашёсининг сульфат кислотаси билан парчаланиш босқичига, дастлабки ЭФК ёки НФЭга, аммонизацияланган ва буғлатилган бўтқага киритиш варианты ишлаб чиқилган. Кислород алангали печининг чангидан ва рух буғланмасидан микроэлементларни ажратиб олиш учун ОКМК нинг сульфат кислота ишлаб чиқариши (чиқиндилари) сульфат кислота (8-10%  $H_2SO_4$ )сидан фойдаланиш мосламасининг технологик схемаси ишлаб чиқилган (2-расм). Ушбу схемадан фойдаланган ҳолда "Аммофос-Максам" АЖ саноат ишлаб чиқариши шароитида ОКМК иккиламчи хом ашёларидан фойдаланган ҳолда таркибида мис ва рух бўлган аммофоснинг синов тажриба намунаси чиқарилган.

3-расмда ишлатилган саноат катализаторларидан фойдаланиб, аммофос олиш технологик тизим кўрсатилган.




**Расм. 3. Микроэлементли аммофос олишнинг технологик схемаси:** 1-транспортёр; 2-майдалагич; 3,6,8-сиғимлар; 4-кувур; 5-реактор; 9,13,17-меъёрлагичлар; 7-сарфлагич; 10-фильтр; 11-оралиқ сиғим; 12,16,20-насослар; 14-ТАБ – тезкор аммонийлаштирувчи буғлатгич; 15,19-коллекторлар; 18-буғлатгич; 21-БДК; 22,30-циклонлар; 23-скруббер; 24-элак; 25-тегирмон; 26-совутгич; 27-конвейер; 28-элеватор; 29-ёндиргич қутиси.

Аммонизацияланган ва буғлатилган бўтқага, микроэлементларнинг нитрат-фосфатли эритмасини ва рН 2-2,5 гача аммонийланган эритмани киритиш орқали нитроаммофос ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, у муаллифлик гувоҳномаси билан ҳимояланган (4-расм).

Микроэлементларини аммофос ва нитроаммофос таркибига киритиш уларнинг физик-кимёвий, тижорат ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилади. 3-жадвалда апатит ва МК фосфоритлари ЭФКси асосидаги микроэлементли аммофоснинг техник тавсифи келтирилган.

Мисли аммофос таъсирида пахта ҳосилдорлигини ортиши 2,3-4,3 ц/га, рухли билан 2,1-4,2 ц/га, мисли нитроаммофос билан 2,5-3,1 ц/га ва рухли 3,1-3,3 ц/га ни ташкил қилади.



**Расм. 4. Микроэлементли нитроаммофос олишнинг технологик схемаси:** 1-ЭФК омбори; 2,8,16-насослар; 3-меъёрлагич; 5-бункер; 6-транспортер; 7-аммонизатор; 9-сиғим; 10-13-буғлатгич жиҳозлари; 11-НФЭ; 12,14,15-ёндиргич қутиси; 15а-барометрик сиғим; 17-БДҚ; 18,23-циклонлар; 19-элеватор; 20-элак; 21 - тегирмон; 22- совутгич.

### 3-жадвал

#### Ўғитларнинг техник характеристикаси

Техник кўрсаткичлар	МҚ фосфорити асосидаги	Апатит асосидаги ЭФК
Ўзлашадиган $P_2O_5$ масса улуши, %	$47 \pm 1$	51,9-52,3
Сувда эрийдиган $P_2O_5$ масса улуши %	$35 \pm 1$	49,5-50,9
Азотнинг масса улуши, %	$10 \pm 1$	12,1
Сувнинг масса улуши, %	0,6-0,8	0,61-0,70
Миснинг масса улуши, %	0,3-0,5	0,34
Рухнинг масса улуши, %	0,7-1	0,71
Доначалар масса улуши диаметри бўйича:		
1 мм дан кичик, %	4-5	2-3
1 дан 4 мм гача, %	93 – 94	95-96
Доначаларнинг статик мустаҳкамлиги, МПа	5-6	5-6
Сочилувчанлик, %	100	100

1 тонна пахта хом ашёси нархи 4 035 381 сўм бўлганда, аммофосни микроэлементлар билан қўллашнинг иқтисодий самараси 1 614 152,4 сўмни ва нитроаммофосдан фойдаланганда ўртача ҳар гектар ердан 1 210 614,3 сўмни ташкил қилади.


Диссертациянинг “**Фосфорли оддий ўғитлар олиш шароитида микроэлементлар ҳолатини тадқиқ қилиш**” деб номланган тўртинчи бобида мис, рух ва кобальт сульфат тузларини ўғитларнинг таркиби ва хусусиятларига таъсири, оддий фосфорли ўғит таркибидаги микроэлементларнинг ҳолатлари тадқиқ натижалари келтирилган.

Қўшалок суперфосфат таркибига микроэлементларнинг киритилиши уларни фосфат кислотасида эритиш орқали жуда осон амалга оширилади. Мис, рух, кобальтнинг сульфат тузлари фосфат кислотасига киритилганда микроэлементлар фосфат кислотаси ва кальций дигидрофосфат билан ўзаро таъсирлашиши мумкин.

Шу сабабли, қўшалок суперфосфат олиш шароитида микроэлементлар сульфатларининг шакли, уларнинг фосфат кислотасида эрувчанлиги, монокальцийфосфати иштирокида микроэлементлар ҳолатларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда мис сульфат, рух сульфат, кобальт сульфат - фосфорат кислота - сув системалари ва мис, рух ва кобальтнинг сульфатли тузларининг 30 ва 80°C ҳароратда монокальций фосфат билан ўзаро таъсирлашуви ўрганилди.

Мис сульфат - фосфат кислота- сув системаси 30 ва 80°C ҳароратда изотермик эритувчанлик усули билан текширилди. Системанинг 30°C да эрувчанлиги диаграммасида мис сульфат пентагидратининг мувозанат қаттиқ фазасига ажралишига мос келадиган битта тармоқ бор.

Мис сульфат - фосфат кислота – сув системасида 30°C ҳароратдаги тўйинган эритмаларнинг қовушқоқлиги ва зичлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, фосфат кислотаси концентрациясининг ошиши билан эритмаларнинг юқоридаги хусусиятлари ошади (5-расм).




**5-расм. 30°C да  $ZnSO_4-H_3PO_4-H_2O$  (1),  $CoSO_4-H_3PO_4-H_2O$  (2) ва  $CuSO_4-H_3PO_4-H_2O$  (3) лар тўйинган эритмалари қовушқоқлиги(А) ва зичлигининг(Б) ўзгариши.**

$CuSO_4 - H_3PO_4 - H_2O$  ситемаси 80°C ҳароратда эрувчанлик изотермаси иккита тармоқдан иборат (6-расм).




Эрувчанлик эгри чизигининг биринчи тармоғи тўйинган эритмаларга тўғри келади, ундан мис сульфат пентагидрат қаттиқ фазага кристалланади. Фосфат кислотаси концентрациясининг ортиши билан тузнинг эрувчанлиги 34,94 оғирлик % дан 20,38 оғирлик % гача камаяди. Иккинчи тармоқ системада  $\text{CuSO}_4 \cdot \text{CuHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибдаги бирикмага тўғри келади. Ушбу бирикма 30,42% дан юқори фосфат ангидридидан иборат фосфат кислотадаги мис сульфатнинг тўйинган эритмасидан ҳосил бўлади.

Рентгенограмма таҳлили шуни кўрсатадики,  $\text{CuSO}_4 \cdot \text{CuHPO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  қўшалок бирикмаси аниқ белгиланган индивидуал кристалл панжарага эга. Ушбу бирикманинг рентген диаграммасида янги текисликлараро масофаларнинг пайдо бўлиши  $d = 3,57; 3,36; 3,10; 4,45; 4,79; 5,08 \text{ \AA}$  ва уларнинг бошланғич таркибий қисмларнинг текисликлараро масофадан фарқи бу аралашманинг ўзига хослигини тасдиқлайди (7-расм).



**6-расм. 80°C да  $\text{CuSO}_4 - \text{H}_3\text{PO}_4 - \text{H}_2\text{O}$  тизимининг эрувчанлик изотермаси.**



**7-расм.  $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$  (1),  $\text{CuHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  (2) ва  $\text{CuSO}_4 \cdot \text{CuHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  (3) ларнинг рентгенограммалари**

$\text{CuSO}_4 \cdot \text{CuHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  бирикмасининг дериватограммасида 120, 240 ва 295°C ҳароратда учта эндотермик эффектлар мавжуд. Қиздириш эгри чизигидаги барча эффектлар дегидратация жараёни боғлиқдир.

Рух сульфат - фосфат кислота - сув ва кобальт сульфат - фосфат кислота - сув 30°C ҳароратда учлик системаси эрувчанлик диаграммасида туз кристалланишининг иккита тармоғига эга. Биринчи тармоқ сульфат гексагидратларнинг кристалланишига мос келади, иккинчи тармоқ рух ва кобальт сульфат моногидратларининг қаттиқ фазага ажралиш даражасига тўғри келади.

Рух сульфатининг тўйинган эритмасига фосфат кислотаси қўшилса, қаттиқ фазада рух сульфат гептагидрати гексагидратга айланади. Рух сульфатнинг эрувчанлиги фосфат кислотаси концентрациясининг ортиши

билан камаяди. 22,39%  $P_2O_5$  ва 26,60%  $ZnSO_4$  таркибига мос келадиган нуқтада рух сульфат гексагидрати моногидратга айланади.

Рух сульфат-фосфат кислота-сув системасидаги тўйинган эритмаларнинг қовушқоқлиги ва зичлиги  $30^\circ C$  да фосфат кислотасининг концентрацияси ортиши билан ўтиш нуқтасида максимал даражага етиб кўтарилади. Учлик система кобальт сульфат - фосфат кислота - сув изотермаси  $80^\circ C$  ҳароратда,  $ZnSO_4-H_3PO_4-H_2O$  системаси каби иккита кристалланиш тармоқларига эга. Биринчи тармоқ кобальт сульфат гексагидратининг қаттиқ фазага ажралишига мос келади. Иккинчи тармоқ қаттиқ фазага кобальт сульфат моногидратининг кристалланишига тўғри келади. Фосфат кислотасининг концентрацияси ошгани сайин кобальт сульфатнинг эрувчанлиги пасаяди. 36,24%  $P_2O_5$  ва 12,50%  $CoSO_4$  таркибига мос келадиган нуқтада моногидрат билан кобальт сульфат гексагидрат суюқлик фазаси билан мувозанатда бўлади.

Кобальт сульфат - фосфат кислотаси- сув системасида  $30^\circ C$  ҳароратда тўйинган эритмаларнинг қовушқоқлиги ва зичлиги рух фосфат - фосфат кислота - сув системасидаги каби кислота концентрацияси фосфат ангидрид бўйича 36,24% га тенг бўлганда максимумга эга бўлади.


Кобальт сульфат - фосфат кислотаси-сув системаси  $80^\circ C$  ҳароратда эрувчанлиги диаграммаларида рух ва кобальт сульфатлар моногидратларининг қаттиқ фазага ажралишига тўғри келадиган туз кристалланишининг битта тармоғи мавжуд.

Рух сульфат – фосфат кислота – сув ва кобальт сульфат – фосфат кислота – сув системалари  $80^\circ C$  ҳароратда эрувчанлиги диаграммаларида рух ва кобальт сульфатлар моногидратларининг қаттиқ фазага ажралишига тўғри келадиган туз кристалланишининг битта тармоғи мавжуд.

Мис, рух ва кобальт сульфат тузларининг монокальций фосфат билан ўзаро таъсирини ўрганиш уларнинг суюлтирилган эритмаларини аралаштирилганда водород ионлари концентрациясини, солиштирма электр ўтказувчанлигини, қовушқоқлигини ва зичлигини ўлчаш орқали ўтказилди.  $Ca(H_2PO_4)_2$  (Me - Cu, Zn, Co) системасидаги суюқ фаза таркибидаги тузларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш натижалари 8-расмда келтирилган, бу эрда  $n =$  монокальций фосфатининг микроэлементли сульфатга нисбати кўрсатади. Ушбу системалар  $n = 0,25$  дан  $n = 3,5$  гача ўрганилди.

Монокальций фосфатининг микроэлементли сульфатга нисбатини ошиши билан эритмаларнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги аста-секин ўсиб боради, эритмаларнинг pH эса, аксинча, аста-секин пасаяди. Эгри чизиқларда  $n = 1$  даражасида характерли синишлар кузатилади.


